



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 136 (13.733)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ATOM ENERGETIKASINI RIVOJLANTIRISH CHORA-TADBIRLARI TЎFRISIDA

Мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга ва янгиликларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар йилдан-йилга эҳтиёж ортиб бораётган энергия ресурсларини ишончли манбалар билан таъминлашни талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжи энергиянинг қайта тикланмайдиган манбаларидан, жумладан, ресурслари чекланган углеводород хом ашёларидан устун даражада фойдаланиш ҳисоби-га қопланмоқда. Ваҳоланки, мамлакатда уран хом ашёсининг улкан захираси бўла туриб, амалда атом энергетикаси салоҳияти ишга солинмаган.

Аҳоли ва мамлакат иқтисодиётининг электр энергиясига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, энергия ҳосил қилувчи қувватларни қўлайитириш ҳисоби-га энергия билан барқарор таъминлаш, энергетика секторини диверсификация қилиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва ушбу йўналишларга илгор инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда "Ўзатом" агентлиги деб юритилади) ташкил этилсин.

Белгилансинки, "Ўзатом" агентлиги: атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига кирди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

2. Қуйидагилар "Ўзатом" агентлигининг атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича тақлифлар тайёрлаш, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, атом энергетикаси соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

саноат ва экология хавфсизлигининг халқаро талабларига жавоб берадиган замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этган ҳолда, атом энергетикаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича битимлар ва шартномалар тузиш;

атом фани ва ядро технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни, фундаментал тадқиқотлар, илмий-қидирув, тажриба-конструкторлик ва инновацион ишлар лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш, илгор технологияларни жорий этиш;

тадқиқот ва энергетика атом реакторлари, ядро-физика қурилмалари, ядро материаллари ва радиация манбаларини сақлаш, радиоактив чиқиндиларни кўмиш пунктларининг ривожланишини ва уларнинг хавфсиз ишлатилиш таъминлаш;

республикадаги объектларнинг радиациявий ва ядровий хавфсизлиги тизимини бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда ядро авариялари ва радиациявий авария вазиятларининг олдини олиш бўйича

тадбирлар режасини ишлаб чиққан ҳолда такомиллаштириш;

ядро материаллари ва технологиялари, радиоактив материаллар тарқалмаслигини таъминлаш, жисмоний ҳимоя қилиш ҳамда ядровий ва радиациявий хавфсизликни таъминлаш тадбирларини амалга ошириш; кадрларни, шу жумладан, етакчи хорижий институтларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;

Халқаро атом энергияси агентлиги, Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни амалга ошириш;

атом энергетикаси соҳасига хорижий инвестицияларни ва илгор технологияларни жалб этиш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, компаниялар ва банклар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. "Ўзатом" агентлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, атом энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги халқаро экспертлар таркибига киритилган Илмий-техник ва эксперт кенгаши ташкил этилсин.

Белгилансинки, атом энергетикасини ривожлантиришнинг стратегик масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш "Ўзатом" агентлигининг Илмий-техник ва эксперт кенгаши ҳулосалари асосида амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда)



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Чирчиқ шаҳрида "XXI аср аёли" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" шiori остида ўтказилган танловда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган хотин-қизлар "Партия – менинг тақдиримда", "Партия фаолиятидаги ташаббусларим", "Партия дастури ва қонунчиликка тақлифлар" каби 3 шарт бўйича ўз билим ва малакасини намойиш этди.

● Ховосободлик хотин-қизлар учун яна бир қувончли воқеа юз берди. "Ховос коммунал Мирзо" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қаровисиз қолган бинони тубдан қайта таъмирлади. Иншоотнинг биринчи қавати маҳалла гузарига айлантирилиб, маҳалла фуқаролар йиғини, милиция таянч пункти, хотин-қизлар қўмитаси ҳам фаолият кўрсатиши учун шароит яратилди. Иккинчи қаватда эса "Ховос идеал-текстиль" масъулияти чекланган жамиятига қарашли тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилди. Тадбиркор Эркиной Мамажоновна ҳамда "Боёвут пахтани қайта ишлаш" корхонаси ҳамкорлигида ишга туширилган цехда 35 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

● Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимининг 3-сон бўлими маси Алишер Навоий номидаги маҳалла ҳудудидида тўлиқ реконструкция қилинган икки қаватли бинода иш бошлади. 1 миллиард 610 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилган замонавий иншоотда ҳуқуқ-тартибот посбонлари самарали фаолият юритиши учун барча қўлайликлар яратилди. Бўлимининг навбатчилик қисмида "Хавфсиз шаҳар" бошқарув ситуацион маркази ташкил этилди. Марказ йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, кўриклаш хизмати, патруль-пост хизмати ва бошқа тармоқларни геонформацион тизим орқали бошқаради.

### ЖАҲОНДА

● Россия давлат думасида 328 та қўллаб-қувватловчи ва 103 та қарши овоз билан биринчи ўқишда мамлакатда пенсия соҳасини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси маъқулланди. Унга кўра, мамлакатда босқичма-босқич пенсия ёши эркаклар учун 65, аёллар учун эса 63 ёш этиб белгиланади.

● АҚШнинг Техас штатининг ғарбидидаги учинчи майдонидан "Нью Шепард" номли олти нафар астронавтни ўз бортига сигдира оладиган космик кеманинг синов парвози муваффақиятли амалга оширилди.

● BIOIEFE4D стартапи жамоаси юрак мушакларини яратиш учун зарур бўладиган материални 3D принтерда чоп этишга муваффақ бўлди. BIOIEFE4D мутахассислари миокард хужайралардан ўзига хос пластирни босиб чиқарди. Албатта, бу юракни бутунлай алмаштириш имконини бермайди, бироқ унинг миокард инфаркти ёки бошқа жиддий касалликдан сўнг зарар кўрган қисмини тиклашга кўмаклашади. Пластирлар биологик жиҳатдан юрак хужайралари билан мос келади. Ҳозирда BIOIEFE4D корпорацияси юрак учун пластирларни кенг миқёсда тиббий амалиётга киритишни режалаштирмоқда.

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

## ЙИЛЛАР ЧОРРАҲАСИДАГИ ЮКСАЛИШЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 18 июлдаги "2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ўқиб...

Барча даврларда бошпанга эҳтиёж ҳамisha юқори бўлган. Кишининг ҳурмат-иззатини гоҳо унинг уй-жойи бор-йўқлиги белгилаб берган. Бугунги кунда бу ҳол янада жиддий тус олди. Янги оила қурувчилар орасидаги дастлабки савол-жавоб ҳам уй-жой масаласида кечмоғи тайин. Чунки оиланинг ўзани саналмиш гўшада миллат шаъни учун жон тикувчи асл фарзандлар улғаяди. Хотиржамлик аталмиш улуг неъмат бу манзилда кўним топади. Истиклолнинг оғир, синовли йилларида уй-жой муаммоси кўздан панароқда турди. Қорин гами бўлган кезларда бу ҳақда лом-мим дейишнинг мавриди эмас эди.

### Олий бахт остонасидаги мушоҳада

Вақт ўтиб, таомил кескин ўзгарди. Кечагина бир-бирининг пинжига суқилиб яшаган ака-укага ота уйи торлик қила бошлади. Натижада аҳоли ўртасида бошпанга бўлган эҳтиёж тобора орта борди. Лекин... Бу кимгадир мурожаат қиласану ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек ҳал бўлади, дегани эмас эди. Хали бошқарув тизимидаги олчоқликлар тафти сўнмаган дамларда одамлар сарсон-саргардон ҳукумат идоралари эшикларидида сарғайиб кунни кеч қилишарди. Ёчим эса йўқ, бори ҳам "муруватпешалар" ҳаменининг қаппайиши билан ҳал этиларди. Бундай ноҳушлиқларни кўриб турганларнинг дарди, алами ичида танг қотди. Шивир-шивирлар шовқинидан безор бўлган тўралар халқни истаган кўйига солиб эзарди. Аммо...

Сўз қотувчи мардлар ҳам тек турарди. Нима қилиш мумкин?! Айни шу йилларда бир эмас уч нафар фарзанди учун уй ҳозирлашга шайланган отамнинг аҳолини кўриб юрагим ачирди... Чорасизлик кўчаларида тентираётган падаримга елкадош бўлгим, фамили аритгим келсада, бунга қурбим етмас – ёшлик қилардим. Тонг кетиб, хуфтон қайтаётган отамнинг хоргин, охиста одимлашлари кўз ўнгимдан сира кетмайди. Отам гоҳо онам дамлаб келган аччиқ кўк чойдан иссиқ-иссиқ хўплаб ҳовуридан тушаётгандай туюларди. Лекин ўткир қарашларидаги енгилмаслик, матонат, қатъий журъядан кўнглимга таскинлик югурарди. Хуллас, отам олти ой деганда бир кишини уйимизга етаклаб келди. У эса, эе йўқ, бе йўқ, учта катта новосни олдиға солиб ҳайдаб кетди. Кўп ўтмай акамларга уй қуриш учун ер ажратилди. Бояғи новосларни олиб кетган амакига қишлоғимизда "землемер бой", деб мурожаат қилишар экан...

(Давоми 2-бетда)



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшлар ижод саройида Тошкент давлат юридик университетининг бакалаврият ҳамда магистратура босқичи талабаларининг битирув тадбири бўлиб ўтди.



## МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА...

Бош прокурор О.Муродов, адлия вазир Р.Давлатов, Судьялар олий кенгаши раиси У.Мингбоев, адлия вазирлиги уринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори Есемурат Канъазов ва бошқалар ислохотларнинг бош мезони аҳоли, айнакча, ёшларга муносиб шароит яратиб, қўллаб-қувватлашдан иборат эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил

28 апрелдаги "Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналиш такомиллашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда 376 бакалавр ва 77 магистрга диплом топширилди. Бу диплом ғоятда кадрли ва бетиним ўқиб-изланишларим ме-

васидир, – дейди ЎЗА мухбирига университет битирувчиси Авазбек Йўлдошбеков. – Билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаб, фаолиятимиз давомидида мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўлишга шайман.

Тадбирда фаол ва жонқуяр талабаларнинг ота-оналарига ташаккурномалар топширилди. Г. БОБОЕВА

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИНИНГ RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI MUҲOKAMA QILINDI

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашининг маҳаллий мобиль оператор ва интернет-провайдерлар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда телекоммуникация тармоғидидаги муаммолар, жумладан, Ўзбекистоннинг барча вилоятларида мобиль алоқа мижозларига хизмат кўрсатиш сифати ва интернет тезлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва интернетдан фойдаланиш тезлигини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида халқаро интернет-каналларига уланиш тезлиги 1,5 мартабага ошди. Бу борада барча АТ-соҳаси ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар ичида интернет-каналлар ва IP-транспорти нархи муқобиллашди. Тадбирда сўзга чиққан "Ўзбектелеком" АК вакиллари жорий йил сўнгига қадар халқаро интернет-каналларга уланиш нархини босқичма-босқич пасайтириш ва мавжуд ҳажмини ошириш режалаштирилаётганлигини маълум қилди. Маҳаллий интернет-провайдерлар учун каналлар ижарасига тарифларни пасайтириш бўйича преискурент кўриб чиқилди, "Ўзбектелеком" АК инфратузилмаси ижа-

раси бўйича ягона регламент ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг ҳудудий телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, хусусан, маҳаллий тармоқ базасидан фойдаланишда оптик тармоқларни яратиш масалалари ўрганиб чиқилмоқда. Учрашув доирасида мобиль оператор компаниялари ва интернет-провайдерлар вакиллари муҳокама қилинаётган мавзу бўйича тақлифлари ва қатор масалалар бўйича фикрларини билдирди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгашининг муҳокама натижалари бўйича оператор ва провайдерлар учун эксперт кенгашини тузиш тақлиф этилди. Унинг вакили ҳар ой интернет-хизматлар соҳасида бозор муносабатларининг ривожланишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг тармоқларини кенгайтириш учун интернет-провайдерлар томонидан ишлаб чиқилган тақлифларни илғари суради. Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин;  
2018 йил 1 октябрга қадар муддатда "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.  
5. "Ўзатом" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:  
2018 йил 20 декабрга қадар – 2019-2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш концепцияси лойиҳаси (кейинги ўринларда – Концепция);  
2019 йил 1 июнга қадар – ишлаб чиқилган Концепцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари портфели;  
2019 йил 1 ноябрга қадар – 2019-2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш давлат дастури лойиҳасини (кейинги ўринларда – Дастур), шунинг-

дек, Концепция ва Дастурнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишини ва тасдиқлаш учун киритилишини таъминлаш.  
Концепция ва Дастур лойиҳаларини ишлаб чиқаришда қуйидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:  
Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс истиқболли кўриш ва стратегик вазифаларга;  
юқори даражадаги саноат ва экологик хавфсизликни таъминлайдиган замонавий илғор технологияларни қўллаган ҳолда атом энергетикаси ва тегишли инфратузилма объектларини қуришга;  
ядровий ва радиациявий хавфсизлик, шу жумладан, чиқиндилар утилизация қилиниши ва ишлатилган ядро ёқилгиси сақланиши устидан назоратни ташкил этишга;  
атом энергетикаси соҳасида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида ва чет элда мутахассислар тайёрлашга, шунингдек, уларнинг таъминлайдиган компанияларда стажировка ўташини ташкил этишга.  
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Ўзатом" агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда:  
атом энергетикаси соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун Мирзо Улуғбек но-

мидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетидаги квоталари;  
талабаларнинг атом энергетикасининг аниқ мутахассисликлари юзасидан хорижий таълим муассасаларида таълим олиши ва стажировка ўташи бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.  
7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан атом энергетикасини ривожлантириш учун кредитлар ва грантларни жалб этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилишини таъминлашсин.  
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.  
9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**Ш.МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2018 йил 19 июль

**Дастлабки маълумотларга кўра 2018 йилнинг январь-июнь ойида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 16 220,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,7% ни ташкил этди.**

## САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ЧАКАНА САВДО БЎЙИЧА АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ



Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-июнь ойида Тоғ-кон саноати ва оқич конларни ишлаш 667,6 млрд. сўм, ишлаб чиқарадиган саноат 14 374,5 млрд. сўм, Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 760,4 млрд. сўм, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш 418,4 млрд. сўмни ташкил этганлиги кузатилади.  
Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмол товарлари ва хизматлар бозорини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш устувор вазифалардан бири саналади. Чунки у орқали аҳоли ўртасида иқтисодий муносабатлар ўрнатилди ва одамларнинг моддий эҳтиёжлари қондирилади. Жорий йилнинг январь-июнь ойида Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари томонидан 7 811,8 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,8% ни ташкил этди.  
Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 3151,4 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 40,3%, нозик овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4 384,2 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 56,1%, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 276,2 млрд. сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 3,6% ташкил этди.  
Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.  
Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибидан энг кўп Мирзо Улуғбек тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,7% улушини), Яшно-

бод тумани (12,6%), Шайхонтоҳур (11,1%), Олмазор (11,0%), Чилонзор (10,2%), Сергели (10,1%), туманлари ҳиссасига тўғри келади.  
Шунинг билан бирга энг кам улуш Миробод (6,2%), Учтепа (6,1%), Яққасарой (4,9%) туманларига тўғри келади.  
Жорий йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида 13529,0 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,1% ни ташкил этди.  
Шунингдек, йирик корхоналар томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 3161,6 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,7% ни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 8159,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,9% ни ташкил қилди.  
Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 3799,1 млрд. сўм ёки 109,9% ни ҳамда норасмий сектор 4360,7 млрд. сўм ёки 100,9% ни ташкил этди.  
Туманлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Шайхонтоҳур (15,1 фоиз), Чилонзор (15,1 фоиз) Учтепа (12,9 фоиз), Бектемир (11,1 фоиз) ва Юнусобод (10,6 фоиз) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.  
Овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 5,4 млн. сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Бектемир тумани (45,2 млн. сўм), Чилонзор тумани (8,5 млн. сўм), Яққасарой тумани (6,5 млн. сўм) кузатилди.  
**Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси**

## АЭС – цивилизацияни тараққиёт белгиси ХАВФ-ХАТАР ҲАҚИДА АФСОНА

**Дунёда хавфсиз нарсанинг ўзи йўқ. Қундалик янгиликларда одамлар сира қутилмаган ҳолатларда ҳаётдан кўз юмгани ҳақида кўп гапирилади. Мисол учун, бир хабарда Фарғана янги меҳмонхона менежери миқозларга деразанинг қанчалик пишиқлигини кўрсатмоқчи бўлиб, ўзини унга урган ва осмонўпар бинонинг юқори қаватидан тушиб кетгани айтилган эди. Демак, дераза унчалик хавфсиз эмас экан.**

Бир дона гамбургер еб туриб, жон берганлар ҳақида ҳам хабарлар берилган. Афсонага ўхшайди.  
Самолёт хавфсизми? Албатта, хавфли. Кези келганда, фожиали даражада хавфли. Лекин авиахалокатлар туфайли қанча одам ҳалок бўлган-у йўл-транспорт ҳодисалари қанча одамни ҳаётдан олиб кетгани тўғрисидаги статистика самолётнинг мулақо хавфсиз эканини исботлайди. Чунки ўртадаги фарқ минглаб нисбат билан ўлчанади.  
Шу билан бирга, одамлар автомобиль хавфли экан, деб ундан умуман воз кечиб қўймагани ҳам рост. Автомобиль жуда хавфсиз. Ҳалокатлар эса, объектив ва субъектив инсон омилга, баъзан табиат инжиқликларига асосланади. Баландда ишлаётган кранчи ҳам, соатига 500 километр тезлик билан юрадиган поезд машинисти ҳам, умуман, ҳар қандай инсон шахсий ҳаёт ва ишда ўзини хавфсиз сезади.  
Бу афсона эмас.  
Лекин ҳаёт барибир хавфсиз эмас. Шифокор нотўғри дори белгиллаши туфайли ёки арзиманган жанжалдан асабийлашиш оқибатида бир зумда жон бериш ҳеч гап эмас.  
Бу ҳам афсона эмас.  
Ҳамма гап эҳтиёт чораларида. Эҳтиётни қилган одам ўзгани ҳам авайлайди. Масалан, коинотга бир-иккита фазогирни юбориш учун минглаб олим йиллар давомида ишлайди. Хар қандай техникадан инсон зарар кўрдики, инженерлар, албатта, барча нуқсонларни топиб, бартараф этади. Бинолар кулагандан ёки ёнган содир бўлиб, одамлар оташ ичиде қолиб кетгандан кейин қурилишлардаги барча меъмурий ва муҳандислик камчиликлари аниқланади ва келажақда ҳисобга олинади.  
Шу тариқа ҳаёт инсониятни ҳатоларини тузатиб бориб, муҳаммад бўлишга ўргатиб келади.  
Атом электр станциялари анчадан буён одамзотга хизмат қилади. Дунёда юзлаб АЭСлар ишлаб турибди. Бу станцияларга хар куни қатнаб ишлайдиганлар, АЭСларнинг ён-атрофида яшайдиган аҳоли радиациянинг зараридан ҳеч қўрққан эмас – ишдан бўшаб кетгани ёки кўчиб кетгани йўқ. Сабаби, станциянинг хавфсиз эканига ишонади.  
Тўғри-да, модомики, инсон урандек хавфли унсурда ишлайдиган электр станцияси қурмоқчи экан, аввало, радиацияни жиловлайди, эҳти молдаги бошқа хавф-хатарнинг олдини олади. Эвазига миллионлаб тонна ёқилгини тежайди. Шу тариқа АЭСлар атмосферани ҳам "тинч

қўяди". Тугуни бўлмаганидан кейин нима зарари бўлсин!  
Шу маънода, юртимизда АЭС қурилиши ҳақидаги янгилик айримларни ўйлантириб қўйганининг сабабларидан бири хавф-хатар ҳақидаги афсоналарга ҳаддан ортиқ эътибор қолганлик бўлса, эҳтимол. Аслида чуқурроқ фикр юритилса, ҳеч ким ўз-ўзидан катта буйи мажмуани қуриб қўймоқчи эмас. Аввало, унинг илмий, иқтисодий, логистик ва қўлаб бошқа асосламалари ишлаб чиқилади.  
Дейлик, тиш-тирноғига қуролланган махсус хизмат ходими махсус операциясига бориш учун автобусга минмаганидек, АЭС қурмоқчи бўлганлар ҳам ёш боланинг қўлига граната бериб қўйган одамлар эмас.  
Ана бу афсона эмас.  
Инсоният дарёларда дамба қуради. Бу хавфли эмасми? Жуда хавфли-да. Тўғон ёрилиб кетса, шаҳару қишлоқларни сув босади, минглаб одам ҳалок бўлади, қанча катта майдондаги экин нобуд бўлади. Ерлар анча вақт яроқсиз ҳолда қолади.  
Лекин дамбани, жўнроқ айтганда, қўядан келган одамлар лойиҳалаштириб, барпо этмайди. Қурган одам ишни пишиқ-пхта қилади. Натихада вегетация даврида қишлоқ хўжалиги экинлари сув ичади, гидрогенераторлар электр беради, ўз таннархини қоплаганидан кейин умуман "сув текинга" ишлайди. Қолаверса, тўғон тўлган сув бўйи дам олиш масканига айланади, соҳилларда туризм инфратузилмаси ривожланади.  
Ўрни келганда айтиш мумкин, масалан, Тошкент вилоятидаги "Чорвоқ" ГЭСдан бирон киши хавотирланмади.  
Бу афсона эмас.  
АЭС ҳам худди шунингдек – беҳавф, таннархини қоплаганидан кейин "сув текинга" хизмат қилади. Бизда уран конлари бор экан, қуруқдан-қуруқ хом ашёни сотиб, цивилизациянинг АЭСдек неъматидан фойдаланмаслик, қайсибир маънода, узоқни кўра билмасликдир.  
Биз қадимий меъмурий обиде ва қадимжоларимиз билан бир қаторда метро, дунёдаги энг баланд ўз "ҳам касблари" орасида витор билан турган телеминара, улкан саноат иншоотлари ва қўлаб бошқа ютуқларимиз билан фахрланамиз. Бундай фахрий мажмуаларини яна бир энг ноёби билан бойийдиган бўлса, бунинг учун фақат қувониб қерак.  
Хавф-хатар ҳақида эса ҳаммаша афсоналар кўп бўлган.  
**Музайяна МАШРАБХОН**  
**ЎЗА**

## ЙИЛЛАР ЧОРРАҲАСИДАГИ ЮКСАЛИШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)  
Йиллар ўтиб, уй-жой масаласида кенг қўламадаги ислохотлар давлат раҳбари миқёсида ҳал этилаётганини кўриб дилим ёришди. Энди отамга ўхшаб оилаб беҳуда изғишлар, кимгадир фарзандларининг насибасини қўшқўллаб тутқишдек бемаъни иллатлар барҳам топди ҳисоб. Ҳаммаси конун йўли билан ҳал этилади. Яна қарзга ишинг битади. Кўнгидагидек қўлайликларга эга шинам хонадон сохибига айланасан. Хар бир киши учун бундан олийроқ бахт бўлмаса керак...

**Янги уй – янги олам**  
Бир неча йиллардан буён аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида қўлаб амалий хатти-ҳаракатлар қилинмоқда. Ушбу эзгу ишларнинг давоми сифатида жорий йил 18 июлда Президентимизнинг "2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп қавратли уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Кеңаги кўнга қадар арзон уй-жойлар учун дастлабки бадал сотиб олинмаган уй-жой қийматининг камида 25 фоизини ташкил этиши лозим эди. Янги ҳужжатга мувофиқ, арзон уй-жойларнинг дастлабки бадали қуйидагича белгиланди:  
Қишлоқ жойларда:  
– 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилмаган икки, уч, тўрт, беш қаватли кўп қавратли (2 ва 3 хонали) ва 2, 3 хонали бир қаватли арзон уй-жойлар учун – 10 фоиз миқдорда;  
– 0,04 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилмаган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган арзон уй-жойлар ва 0,06 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилмаган 3, 4 ва 5 хонали арзон уй-жойлар учун – 25 фоиз миқдорда;  
Шаҳарларда дастлабки бадалнинг тақабалаштирилган миқдорини амалиётга жорий этган ҳолда ўртача 15 фоиз миқдорда.  
Мазкур ипотека кредитлари 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январгача бўлган даврда 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдориде берилди.

**Бир сўз билан айтганда...**  
Бир эмас бир неча таниш кадрдонларим арзон уй-жойларни ипотека кредитлари асосида сотиб олишган. Улар бундан мамнун. Бу орқали уларнинг ҳаётига шуқуқ, осойишталик инган. Қалблардаги шуқорна хисси турмушнинг сирли жумбоқлари, нозик қирраларини идрок этиб, дунёни турфа рангларда, манзараларда кўра бошлашга хизмат қилади. Юртга наф келтириш йўлидан чалғимасликка ўндайди.  
– Уйимга кўчиб кирганидан кейин ўзимни буткул бошқача сеза бошладим. Эртунд яшаш кишига ўзгача бағишлар экан. Эҳтиёжмандларнинг бошини силаб, уйли бўлишга давлат ҳимоясининг борлиги, бу жуда катта ижтимоий ҳимоя, қўлаб-қувватловдир, – дейди Мурод Тангриев. – Шу боис, ёш оилаларнинг эртанги кўнга бўлган ишончи хар қачонгиданда ортмоқда.  
Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарориде назарда тутилган барча тадбир мамлакатимизда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар барпо этишини қўчайтириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг мантқиқий давомидир. Зотан, бу каби жиддий қарорлар тараққиёт ва тўқинликка мустаҳкам асос бўлади.  
**Файрат ШИРИНОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

## СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

**Пойтахтимизнинг Миробод тумани ҳокимлигида Тошкент шаҳар жиноят, фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий ва иқтисодий судлар раислари аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказди.**  
Суд органлари тизимидаги одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, музамо ва келгуси вазилашга бағишланган тадбирда туман ҳокимлиги масъулари, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси туман бўлиmlари вакиллари ва маҳалла фаоллари иштирок этди.  
Мамлакатимизда судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибин тақомиллаштириш, хар бир иш бўйича қўнуний, асосланган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.  
Тадбирда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳусусида маълумот берилди. Соҳа ҳокимлари Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада тақомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтирди.  
– Амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини оширишга замин яратмоқда, – дейди ЎЗА мухбирига Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди раиси Д.Жўраев. – Жойларда аҳоли билан ўтказилаётган учрашувларда ҳам бу борада қўлаб масалалар муҳожама қилинмоқда. Жумладан, сайёр суд мажлисларида маҳалла томонидан қафилликка олинаётган шахсларнинг келгусидаги хатти-ҳаракатларига жавобгар бўлиши лозимлиги тушунтирилмоқда. Сабаби, баъзи ҳолларда суд тугаган қафилликка олинган шахш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳам кузатилади. Бундай вазиятда у қўлимиздан тўғри хулоса чиқармай яна жиноят кўчасига кириши мумкинлиги ҳусусида маҳалла фаоллари ўйламаяпти. Бугунги очиқ мулоқотда шу каби қўлаб масалаларда алоҳида эътибор қаратилди.  
Тадбирда хар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бепарволикка йўл қўймастик ва осойишта ҳаётни таъминлашда амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар ҳусусида фикр билдирилди.  
**А. МУСАЕВ**

**Бугун мамлакатимизда фуқароларнинг уй-жой шароити тубдан яхшиланаётгани, шаҳар ва қишлоқларимизда янги турар жойлар қуриш суръати ва кўлами жадаллик билан кенгайиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз. Мазкур йўналишдаги ўзгаришлар инсонларнинг ҳаётдан розилиги ҳамда эртанги кунига ишончини мустақамлашга сезиларли таъсир кўрсатяпти.**

Шу билан бир пайтда Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар, ҳудудларда ўтказилаётган сайёр қабуллар натижаларини ҳар томонлама таҳлил асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар, жумладан, уй-жойга муҳтож, ногиронлиги бўлган, меҳнатга лаёқатлилик даражаси чекланган инсонларни манзилли кўлаб-қувватлашга доир амалий ишларни тизимли йўлга қўйиш ва янада кучайтириш зарурлиги маълум бўлмоқда.

Бу муаммоларни комплекс ҳал қилиш мақсадида бугун пойтахт туманларининг деярли барчасида кўп қаватли 30 та уй-жой ва 12 та ҳовли-жой қурилиши бошланди. Сўнги ўрганишлар қурилаётган бу уй-жойлар билан мавжуд муаммоларни тўла бартараф этиш имкони йўқлигини кўрсатди. Шу боис Сергели туманидаги "Чоштепа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан яна 30 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерда замонавий типдаги 7 қаватли яна 60 та уй-жой қурилиши бошланди. Ушбу уйларнинг ҳар бирида 70 тадан хонадон бўлиб, бу билан жами 4 мингдан зиёд оила ўзининг муқим бошланасига эга бўлади. Қуни кеча уй-жой масаласида Президент Виртуал ва Халқ қабулхоналарига мурожаат қилган ўта оғир ва мураккаб шароитларда яшаётган, Республика ишчи гуруҳининг "Обод маҳалла" дастури доирасида уйма-уй юриб ўрганишлари давомида аниқланган ҳолатлар бўйича ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари билан бир гуруҳи янги уй-жойлар комплекси билан таништирилди. Шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларининг турмушида оғир, муассаддлик зарбаларига учраб, ҳар қандай ҳолатда ҳам умид ва ишонч билан яшаётган бу инсонлар билан бир пиёла

кой устидаги суҳбати тез орада барпо қилинадиган массив ўрнида қурилиш майдонининг ўзида ташкил қилинди. Бундай очик, самимий мулоқот кунги кеча кўчада қолиб, ижарама-ижара сарсон юрган ёки тор ва эски хонадонларда сиқилиб кун кечираётган инсонларнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Бу жараёнда уй-жойлар билан бирга ҳудудда замонавий спорт майдончаси,

маълум қилишчи жорий йилнинг охирига қадар 7 қаватли 30 та уй-жой қурилиб, эгаларига топширилади. Кейинги йил мана шу массивда яна шунча уй-жой барпо этилади.

Республика ишчи гуруҳининг ўрганишлари жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида Чилонзор туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, қисқа фурсат ичида

**"Обод маҳалла" дастури – амалда ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА**

болалар ўйингоҳлари, умумий ўрта таълим муассасалари, тиббиёт бўлими, дам олиш маскани, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилади.

Мазкур биноларни қуришда қурилиш услубида бироз ноодатий йўналиш ҳам киритилмоқда. Ушбу бинолар тез муддатда сифатли ва мустақам қилиб бунёд этилади. Шу ернинг ўзида қурувчи ва муҳандислар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бир инсоннинг уйли-жойли бўлиши нафақат унинг, балки оиласининг ҳам ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши айна ҳақиқат.

— Ишонсангиз сизга уй берамиз деганда эрталабгача ухлаганим йўқ, — дейди Равза Ямашева. — Хурсандчилик билан келдим. Жуда ҳам хурсандман. Президентимизга минг раҳмат.

Яна бир маълумот: мутасаддиларнинг

мазкур масалалар ижобий ечимини топа бошлади. Хусусан, "Бешёғоч" маҳалласи, Фуркат берк кўчаси, 126-хонадонда яшовчи Зулфия Авезова кадастр ҳужжатларини ололмаётгани юзасидан ёрдам сўраган. Мазкур мурожаатни 2-сектор раҳбарияти ўрганиб чиқиб, тез кунда хал қилиб берган.

Фуркат кўчасидаги 173-уй, 1-хонадонда истиқомат қилувчи Людмила Баева ҳам ўзини қийнаётган масала — унинг турмуш ўртоғи тиббий муолажамга муҳтожлиги бўйича ёрдам сўраган. Унинг масаласига ҳам ижобий ечим топилди.

Пойтахтнинг қок марказида жойлашган "Катта олмасор" маҳалласида ҳам бир қатор камчилик ва нуқсонлар аниқланган эди. Масалан 9-а уйнинг том қисмидан тортиб лифтига таъмирталаб ахволга келиб қолган. Ушбу муаммолар тезда бартараф этилди. Уйнинг кириш

йўлакларини, том қисми таъмирдан чиқарилди. Кириш йўлакларини ойналари янгиланди.

3-сектор ҳудудидаги "Кўтарма" маҳалласидаги фойдаланилмаётган бино бузиб ташланиб, ўрнига спорт мажмуаси барпо этилиши лойиҳалаштирилди. Бир неча hafta илгари "Нақошлик" маҳалласидаги турар жой биносининг аянчи аҳоли ҳақида сўз юритилганди. Кўпчилик ҳайрон қолган бўлса керак. Орадан ўтган қисқа вақт камчиликларни бартараф этиш учун етарли бўлди. Бино таъмирдан чиқарилиб, чиринган ромлар замонавийсига алмаштирилди. Табиийки аҳоли ҳам саяёҳаракатлардан мамнун.

4-секторга қарашли "Кичик Хирмонтепа" маҳалласидаги 25-уйнинг каналлаштурувчи қувиридан тошаётган оқава сув турли муаммоларга сабаб бўлар эди. Ўрганишлар натижасида муаммо сабаби аниқланди ва қувири янгисига алмаштирилди.

Ўтган фурсат ичида 16-кўп қаватли уйнинг фасад қисми ҳам янгиланди. Айна пайтда 26-уйнинг йўлаклариди таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ердаги ноқонуний қурилмалар ҳам олиб ташланди. Уй олдидаги майдон ободонлаштирилди. Келгусида бу ерда болалар майдончаси ва автомобиль турар жойи барпо этилади.

Бундан ташқари яна бошқа маҳалларда ҳам чиқиндилар йиғилиб қолган ҳолатлар, уй олдидаги қаровисиз қолган дарахтлар аниқланган эди. Ҳозир барчаси бартараф қилинди. Ишчи гуруҳ томонидан аниқланган камчиликларнинг барчасини бартараф этиш юзасидан "Йўл харитаси" тузилган.

Пойтахтимизда олиб борилаётган кенг кўламли ўрганишлар давомида аниқланган муаммолар ва камчиликлар бартараф этилаётгани қувонарли ҳол. Бу каби тизимли, ҳайрли ишлар аҳолининг ҳаётини янада фаровонлашувига хизмат қилади, ўз навбатида уларнинг эртанги кунга ишонч билан боқишини таъминлайди.

(Ўз мухбирларимиз)

**Хабарлар**

**ПОЙТАХТДА 65 МЕТР БАЛАНДЛИҚДА ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ЎРНАТИЛДИ**

**"Халқлар дўстлиги" санъат саройи олдидаги сайилгоҳда кун ботиши билан тун ярмига қадар дам олиб юрган бахтли оилаларга ҳар кунги кўзимиз тушади. Ушбу жойга қадам ранжида қилган ҳар бир инсон суратга тушиб бу тарихий онларни сеҳрли зарварақларга муҳрламоқда. Бунинг натижасида сайилгоҳга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.**

Ана шундай сеvimли масканда Тошкент шаҳридаги энг катта – салобатли, баландлиги 65 метр, ҳажми 20 метрга 10 метр бўлган Давлат байроғи ўрнатилди. Ҳозирги кунда бу ерда ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари олиб бориламоқда. Мамлакатимизнинг гурури ва ифтихори бўлган Давлат байроғи бу ерда таширф буюрган ҳар бир ватандошимизга ўзгача қайғи бағишлаши табиий. Қолаверса ёш ўғил-қизларнинг ватанпарвар, ўз юртига содиқ, комил инсон бўлиб вояга етишида бу каби ишларнинг ҳиссаси катта бўлади.

**АМАЛИЙ ИШЛАР ДЕБОЧАСИ**

**Хабарингиз бор, Тошкент шаҳар ҳокимлигида тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар иштирокида очик учрашув режалаштирилган эди. Шу муносабат билан ҳокимликда "Очик эшиклар" кунги тадбири ўтказилди.**

Ушбу тадбир иштирокчилари бўлган хитойлик инвесторлар Бектемир туманида аҳоли учун кўп тармоқли тиббиёт масканини қуриш бўйича лойиҳани амалга ошириш имкониятини қўлга киритганлиги ва уларнинг мурожаатлари шаҳар ҳокими томонидан маъқулланганлиги тўғрисида маълум қилинди. Жумладан, хорижий инвестор мамнуният билан қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Олдинлари ҳокимиятдан қурилиш учун рухсат олиш ва ўз фаолиятимизни бошлаш учун жуда кўп вақт сарфлар эдик. Кечаги тадбирнинг ўзида аризамизнинг қаноатлангиларини биз учун катта тўхфа бўлди. Бу тадбирдан сўнг инвестиция киритмасликнинг илоҳи йўқ эди, — дейди хитойлик инвестор До Фин Фу.

Бектемир туманида барпо этиладиган "Хитой тибобат шифо маркази" нафақат туман аҳолиси учун, қолаверса мамлакатимизда тиббиёт соҳасидаги амалий ишларимизнинг дебочаси бўлиб элга хизмат қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ушбу инвесторга лойиҳани амалга ошириш учун ўрнатилган тартибда ер майдон ажратиб билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштирмоқда ва қарор қабул қилиниши билан қурилиш ишлари бошланади.

Лойиҳа доирасида хорижий инвесторлар томонидан 4 миллион АҚШ доллар миқдорда маблағ ажратилган ва лойиҳанинг бу айнан тўғридан-тўғри хорижий инвесторлар ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган.

**"PLAZA HOTELGROUP GMBH" ВА "BEST WESTERN" КОМПАНИЯЛАРИ ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ БОШЛАЙДИ**

**Илк бор Германиянинг "Plaza Hotelgroup GmbH" компанияси меҳмонхоналар тармоғи бўйича халқаро инвестицияларни тўғридан-тўғри Ўзбекистонга киритади.**

Меҳмонхоналар тармоғини қуриш учун "Best Western" халқаро бренди остида қурилиш ишлари олиб борилади.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.Ортиққужаев "Plaza Hotelgroup GmbH" компанияси раҳбариятини қабул қилди.

Маълумки, "Plaza Hotelgroup GmbH" компанияси 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтгача Германия, Австрия, Чехия ва Голландия мамлакатларида 34 та меҳмонхоналарни бунёд этган. "Plaza Hotelgroup GmbH" компанияси меҳмонхоналарни қуриш бўйича энг тезкор ҳисобланади. Бу борада улар катта тажрибага эга. Шу билан бирга меҳмонхоналарни қайта таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш имкониятига ҳам эга. "Plaza Hotelgroup GmbH" компанияси қурган ва таъмирлаган меҳмонхоналар "Best Western" бренди остида бошқарилади ва халқаро миқёсда шу ном билан тан олинган. "Plaza Hotelgroup GmbH" ва "Best Western" компаниялари бир-бири билан жуда яхши алоқа ўрнатган.

Жумладан, "Best Western" компанияси дунёдаги меҳмонхоналарни бошқариш тизими бўйича энг улкан ва омадлиги ҳисобланади. Дунё бўйича "Best Western" компаниясига қарашли корхоналар 420 тани ташкил этиб, улар 100 дан ортиқ мамлакатларда жойлашган. Ҳар кунги 400.000 мингга яқин кишилар ушбу компания меҳмонхонасидан фойдаланади.

Юқоридаги компанияларнинг вакиллари таширфидан асосий мақсад Ўзбекистон меҳмонхона бозорига кириб келиб, энг йирик шаҳарларда сайёҳлик меҳмонхоналарини қуриш, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива меҳмонхоналар тармоғини киритиб, Ўзбекистон бозорини халқаро даражадаги меҳмонхоналар даражасига олиб чиқиш.

Ўзбекистонга "Plaza Hotelgroup GmbH" компанияси томонидан 100 миллион доллар инвестиция киритилди. 3-5 йил давомида 6-8 тагача меҳмонхоналар қуриб битказилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

**ЎКСИК ФАРЗАНДЛАРНИНГ ДАРДИНИ КИМ ЭШИТАДИ?**

**Муайян сабаблар туфайли ажрашган оилда ҳам барбир ҳаёт давом эттиради. Ота-она ўз аравасини айро тортиши мумкин. Бироқ орада вояга етмаган, ҳали ҳақ-ҳуқуқини билмаган, катталарнинг муҳофазасига муҳтож фарзандлар бўлса-чи? Уларнинг ота ё она меҳридан мосуво, ярим кўнглини тўлдириш қийин, албатта.**

Бундай болалар вояга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўйганича бўлган даврдаги қонуний ҳаққи — алиментдан ҳам бебаҳра қолса, уларнинг дардини ким эшилтади? Ҳуқуқларини ким ҳимоя қилади?

Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси томонидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда ташкил этилган "Оила муҳитининг фарзанд тарбиясига таъсири: ажралишлар таҳлили ва болалар тақдирини" мавзусидаги давра суҳбатиди айна шу масала муҳокама қилинди.

Иштирокчилар мамлакатимизда оила институтини мустақамлаш борасида олиб борилаётган ислохотларга соя солаётган мазкур масала хусусида сўз юритар экан, биринчи навбатда, ёш оилаларда арзимас муаммолар юзасидан келиб чиқаётган тушунмовчиликлар туфайли ажралишлар кўпаяётгани ташвишли эканини таъкидлади.

Маълумотларга кўра, 2017 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан алимент бўйича қарздорларга нисбатан 3,7 минг иш қўрилган. Алимент тўламаётган 2,3 мингдан зиёд фуқарога нисбатан қидирув эълон қилинган. 180 минг қарздор фуқаронинг доимий даромад манбаига эга эмаслиги туфайли алимент тўлай олмаётгани аниқланган.


Давра суҳбатидида ажрашган оилалар вакилларининг иқтисодий аҳоли, фарзандлари учун алимент ундириш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Амалдаги қонунчиликда бу борада белгиланган нормаларнинг моҳияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти атрофида таҳлил этилди.

Тадбирда фракция аъзолари "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунга ўзгаришлар киритиш таклифини илгари сурди. Хусусан, алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганларни қўллаб-қувватлаш бўйича жамғарма ташкил этиш мақсада мувофиқлиги таъкидланди. Бундан ташқари, мазкур жамғарма томонидан тўланган маблағлар қарздор томонидан мажбурий тартибда ундириб олиниши, бу йўналишда самарали механизмни юзага келтириш имкони мавжуд экани қайд этилди.

Қатор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, бу борада қарздорларни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум қилиш амалиётини жорий этиш таклифи ҳам илгари сурилди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири

**Тошкент шаҳри ёшлари ўртасида "Ёш китобхон" танлови ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа ҳамкорлар томонидан ўтказилаётган тадбир ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга йўналтирилгани билан аҳамиятли.**



**КИТОБ БИЗНИ БИРЛАШТИРАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги "Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси тўлақонли таъминлашида мазкур тадбирнинг алоҳида ўрни бор.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган "Ёш китобхон – 2018" танловида аризалар қабул қилиш жараёни жорий йилнинг 31 майга қадар давом этиб, пойтахтимизда танловда иштирок этиш истагини билдириб, жами 51004 нафар ёш ҳужжат топширган.

Бу йил танлов ёшларнинг таклифларига асосан ўтган йилги-

га нисбатан ўзгартирилиб, 10-14, 15-19, 20-30 ёш тоифаларига бўлиб ўтказилмоқда.

Ёшларнинг танловга бўлган қизиқиши юқорилиги ҳамда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар сони ўтган йилга нисбатан кескин ортганлиги сабабли бу йил маҳаллий саралаш босқичига ўзбек ва жаҳон адабиётига, буюк адибларимиз ҳаёти ва ижодига оид саволлардан иборат тест сновлари ҳам киритилди.

Танловнинг маҳаллий саралаш босқичи тест сновлари Тошкент шаҳрининг 11 та туманидаги таълим муассасаларида ташкил этилиб, 12 июль кунини 20-30 ёш тоифаси бўйича саралаш босқичида 15 нафар, 13 июль кунини 15-19 ёш тоифасида 24 нафар ва 14 июль кунини 10-14 ёш тоифаси бўйича 20

нафар иштирокчи 86 ва ундан юқори балл тўлаб кейинги босқичга йўлланма олди.

— "Ёш китобхон" танловида иштирок этиш имконига эга бўлганимдан жуда хурсандман, — дейди Учтепа туманидаги 44-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Лочин Шукуров. — Танловга тайёргарлик жараёнида 40 га яқин китобларни мутолаа қилдим. Бу билан билимимни янада бойитдим. Танлов баҳонасида китобга меҳрим янада ошди. Дунёқарашим янада кенгайди. Танловнинг финал босқичида иштирок этиш учун янада кўпроқ ўқиб, изланишни мақсад қилдим.

Анатолий КЕЧИН, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР ОЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**


Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод фермер хўжалиги ҳудудидан (мўлжал: Сергели тумани, Қўйлик-5 даҳаси рўпарасида) фуқароларга ўзининг хусусий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги квартираларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги иштироғида топшириш эвазига ер участкаларини ажратилиши режалаштирилган.

Топширилган икки хона учун 500 кв.м ҳисобидан ер участкаси олишлари мумкинлиги маълум қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 239-35-06, (+99894) 688-88-77.

Ўзбекистон профессионал шарқ яққаураш клуби"га (ИНН 207130342) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 29.03.2011 йилда берилган № 733-сонли нодавлат нотижорат ташкилотнинг давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь зотиға тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пилшоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўштни қайта ишлаш цехи (қунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқариш)ни сотиб олиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифларини қабул қилади. Манзилимиз: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko'chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.



## МЕНТАЛ АРИФМЕТИКА...

**халқаро олимпиада ғолиблари тақдирланди**

**Пойтахтимиздаги Ёшлар пресс-клубида яқинда Сингапурда бўлиб ўтган Ментал арифметика бўйича халқаро олимпиадада муваффақиятли иштирок этган ёш билимдонларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Жорий йилнинг 3 июнь куни "Даҳолар лабораторияси мактаби" нодавлат таълим муассасасининг 9 нафар ўқувчиси Сингапурда ментал арифметика бўйича бўлиб ўтган халқаро олимпиадада Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилганди. Улар яққалик баҳсларда 365 финалчилар орасида совринли ўринларни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Зухриддин Фахриддинов, Саид Рашидов, Элиф Аҳмедова, Амалхон Хайрутдинов, Рисолат Муталова, Муҳаммадин Нормухаммедов, Абдуқодир Нормухаммедов каби ёш билимдонларимиз халқаро миқёсда Ўзбекистон ёшларининг нималарга қодир эканини яна бир бор намойиш этди.

"Даҳолар лабораторияси мактаби" нодавлат таълим муассасасининг 33 ўқувчиси 14 июнь куни Иссиқкўлда (Қирғизистон) бўлиб ўтган халқаро олимпиадада ҳам қатнашиб қайтди. Улар 500 финалчилар орасида 18 та совринли ўринларни қўлга киритди.

Тадбирда интеллектуал беллашув ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Н.УСМОНОВА,**  
**Ўза мухбири**



## МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

**Машҳур қизқичи, кулги дарғаси Юсуфжон Шакаржоновнинг юқорида келтирилган пурмаъно сўзлари кулгининг ижтимоий-маънавий ҳаётда ўрни катталиги ва бебаҳолигидан дарак беради.**

Ўзбек халқи табиатан ҳазил-мутойибани севувчи халқ. Сўлим бог-роғлар, шинам чойхоналар, ўзбекнинг дўстона гап-гаштакларида ҳаммиса самимиятга йўғрилган кулгу бўлган. Юртимизда турли хил аскиячилар, қизқичлар кўриктановлари ва кулги кечалари ўтказиб бориш анъанасига айланган. Бежизга буюк ҳаким Абу Али ибн Сино: "Кулги текин дори, кишилар учун бебаҳо малҳамдир", дея эътироф этмаган. Сўз зарғари Абдулла Қаҳҳор эса: "Ҳозирги вақтда аския икки нарсага хизмат қилиши керак: бири – халқимизнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги мақсади ва курашини ифода қилиши, иккинчиси эса, ҳаётимиздаги салбий ҳолатларни танқид қилиб, халқимизни эстетик жиҳатдан тарбиялаши зарур", деб ўқтирган.

Шахримизнинг намунаги гўшаларидан бири Фафур Гулом номли маданият ва истироҳат боғида Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этган илмий

методик маркази ҳамда "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан "Келинг, бир кулишайлик" мавзудаги аския санъати байрами бўлиб ўтди. Тадбирни Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этган маркази директори, сиебсатунолик фанлари номзоди, доцент А.Ҳайдаров очиб бериб, аскиячилик борасида ибрат оلسа арзийдиган қизқичларимиз борлиги, уларнинг ўзига хос мактаби ҳозирги кунда ҳам сафи кўпайиб бораётгани аския сўз юритди. Абулқосим Тўйчиев, Муҳиддин Дарвешов, Айниддин Зайниддинов, Қодирхон Усмонов, Убайдулла Абдуллаевлар ижоди кулгисевар халқимиз юрагидан жой олгани ҳақида алоҳида тўхтади. Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими М.Жўраев ва "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Р.Қаленов сўзга чиқиб, ҳамшаҳарларимизни яқинлашиб келаётган

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги билан қутлаб, бугунги тинч ва осойишта кунларимизга шукуроналик келтириш кераклиги, халқимизнинг кўп йиллик қадриятлари, тарихимизни ҳурмат этган ҳолда бундан ёшларимизга ҳам ўргатиб бориш кераклиги ҳақида фикр билдирди.

Фаргона вилоятининг Кўкон шахридан ташриф буюрган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Жўраҳон Пулатов, Ақромжон Анваров, Марғилон шахридан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хотамжон Ҳақимжонов, Учқўриқ туманидаги Муҳиддин Дарвешов гуруҳидан Мансуржон Охунов, Баҳодиржон Шоқировлар, Олтиариқ туманидан ташриф буюрган аскиячи Анваржон Неъматиллаевлар ўзларининг чиқишлари билан санъатсевар, кулгисевар халқимизнинг кайфиятини кўтариб, тадбирга кўтаринкилик ва жозиба бағишлади.

**Гулчеҳра КАРИМОВА**

## "101"

### ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

**Мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳар қандай сайёҳни лол қолдириши аниқ. Лекин шу билан бирга, ёнгин хавфсизлиги қондаларига зид равишда барпо этилаётган бино ва қурилмалар ҳам йўқ эмас.**

Жумладан, фуқароларимиз томонидан кўп қаватли уйлар атрофларида ўзбошимчилик билан томорқа ҳўжалиқлари қуриб олинганлиги, йўл бошларига турли сунъий тўсиқлар қоқиб қўйилганлиги ҳам салбий ҳолатлар сирасига киради.

Кўриниб турибдики, халқ мулкни "тилсиз ёв"дан муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу ишда нафақат ушбу соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

**А.МАЖИДОВ,**  
**23-ХЕҲК инспектори, сержант**

Кўп ҳолларда ёнгинларнинг юз беришига ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Мана шу бепарволигимиз оқибатида эса кўплаб нохушлиқлар келиб чиқади. Шу ўринда ёнгиннинг моҳиятига назар солмоқчимиз. Ҳўш, ёнгин ўзи нима? Ёнгин – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилиб ташлашни билан бирга кечувчи, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёнидир.

Ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари эса асосан қўйидагилардан иборат. Электр тармоқлари ва ускуналаридидаги қисқа туташув, электр асбобларнинг қизиб кетиши, моддаларнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши, болалар шўхлиги ва уларни назоратсиз қолдириш ҳамда шу каби ҳолатлардир. Айниқса, газ плиталарининг ёниқ қолдирилиши кўплаб нохуш ҳолатларга олиб келиши турган гап. Шунинг учун, биз аҳолимизни янада эътиборли бўлишига чакирамиз.

**Ё.ОХУНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенат биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

Корхоналар ва ташкилотларда ёнгин ишлаб чиқариш биналари, моддий омборхона, шунингдек, ёрдамчи биналарда содир бўлиши кузатилган ҳол.

Корхоналар ва ташкилотларда ёнгин келиб чиқилишининг асосий сабаблари деб қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- электр жиҳозлари ва асбобларнинг, улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;
- оловдан эҳтиётсизлик (чекши, двигателларни, қувурларни исиши учун очик аланга қўллаш, корхона ҳудудида олов ёқиш ва ҳ.к.) электр-газ пайвандлаш ва бошқа таъмирлаш ишлари бажарилаётганда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик.

Шундай экан белгиланган қоидаларга амал қилиш муҳимлигини унутманг!

**Е.НАЗАРОВ,**  
**27-ХЕҲК катта техниги, сафдор**

Айрим фуқаролар уйларида эътиборсизлик ва масъулиятсизлик, антропоген табиий газдан фойдаланиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида кўнглисизликлар келиб чиқишига сабабчи бўлмоқдалар.

Ҳар бир фуқаро қўндалик турмушида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. "Тилсиз ёв" бўлган олов фасл, вақт, жой танламайди. Ёнгин қутулмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида рўй беради.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Т.НАЗАРОВ,**  
**1-сон пансионати ЁХБ инспектори, капитан**

Агар биз қўндалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қилганидан бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзинининг бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганига гувоҳ бўламиз.

Билки туриб ўзи ва мол-мулкни хатарга қўйишди. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари белгиланча, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари сизларни иш жойингиз ва хонадонингизда ҳеч қачон ёнгинлардан талафот кўрмаслигини тилаб қолади.

**М.ҚУЛДОШЕВ,**  
**Мирзо Улугбек тумани ЁХБ инспектори, капитан,**  
**У.УСМОНОВ,**  
**"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи ЁХБ кичик инспектори, сержант**

## МОЛ-МУЛКЛАРНИ СОТИШ БЎЙИЧА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ЮЗАСИДАН

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!**

Ҳурматли савдо ташкилотлари ва унинг вакиллари!

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 25 майдаги 29-қ ва 01/15-10/12-сон қарори билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигининг рўйхатдан ўтган "Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ, ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш бўйича савдо ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиш белгиланган.**

Бунда савдо ташкилотларини аниқлаш танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танловда қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва турғун савдо шохобчаси мавжуд юридик шахслар қатнашиши мумкин.

Комиссия танлов бошлангичидан камидан 30 кун олдин оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет тармоғида танловни ўтказиш тўғрисида эълон беради.

Танлов жорий йилнинг июль ойидан бошлаб Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқармаларида ўтказилиши белгиланган.

Мазкур танловда иштирок этиш учун ариза билан Бюронинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат этиш мумкин.

Савдо ташкилотларидан аризаларни қабул қилиш 2018 йил июль ойидан бошланади.

Танлов ғолибларини аниқлаш икки босқичда амалга оширилади.

Танлов ҳақида батафсил маълумотларни Бюронинг [www.mib.uz](http://www.mib.uz) сайтдан ҳамда Бюронинг ҳудудий бошқармаларидан олиш мумкин.

### ТАНЛОВ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро)нинг тегишли ҳудудий бошқармалари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлов бўйича ташкилотларни (юридик шахслар)ни очик танловга таклиф этади.

#### 1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси – Бюронинг жойлардаги тегишли ҳудудий бошқармалари.

Очик танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни қўриб чиқиш

Бюронинг тегишли ҳудудий бошқармалари аниқлаш меzonлари

Танловда қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси мавжуд юридик шахслар қатнашиши мумкин.

Қўйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тузатиш ёки банкрот арафасида бўлган;
- олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;
- охириги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятлари бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

**Танловда ғолиб чиқишининг асосий меzonлари:**

- истемолчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар

ва ҳоказоларга яқинлиги);

- мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;

- талабдорга тегишли техник жиҳатдан соз бўлган транспорт ва бошқа техника воситалари;

- мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;

- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

**3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар**

- Комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусخаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нусхаси;
- савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;
- савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10x15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф қўриниши, умумий ташқи ва ички қўринишлари акс эттирилган керак);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10x15 ўлчамдаги рангли фото суратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички қўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- талабдорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
- талабдорнинг тегишли ҳамда ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган).
- Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабдорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш меzonларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабдор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туман (шаҳар)га яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказилаётган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

**4. Талабдорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби**

Танловга ҳужжатлар қабул қилиш танлов бошлангичидан ўн кун олдин тўхтатилади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбосида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси**